

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ”
КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: Қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантиришда
солиқ имтиёзларининг аҳамияти**

Бажарди: Расулова Д.

Қабул қилди: “Ташқи иқтисодий фаолият”
кафедраси катта ўқитувчиси Г.А.Абдилакимов

ТОШКЕНТ – 2013

РЕЖА

Кириш

1. Қўшма корхоналар тузиш хусусиятлари ва уларнинг фаолияти
2. Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари
3. Қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантиришда солиқларнинг ўрни

Хулоса ва таклифлар

Кириш

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, “Женерал Моторс Павертрейн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобил двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобил генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айти пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда солиқ юкини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2011-йилда солиқ юки, 1991-йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга тушганини қайд этиш зарур.

2011-йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайрилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.¹

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги миллий иқтисодиётнинг ривожланишида янги саҳифа очди. Иқтисодиётнинг барча жабҳаларида қайта

¹ 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. - Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь. № 14 (5414)

қуриш ва туб зғаришлар юз бермоқда. Янги ноанъанавий тармоқлар бунёд этилди, қўшма корхоналар сони кун сайин ўсиб бормоқда. Республика иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестициялар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни барпо этиш ва экспортга йўналтирилгаи янги махсулот турларини ўзлаштиришга сафарбар этилди. Сўнгги йилларда иқтисодиётнинг турли соҳаларида, жумладан, транспорт, машинасозлик, енгил саноат ва оғир саноат комплекси ҳамда таълим соҳасига хорижий инвестициялар жалб қилиш кўпайиб бормоқда. Бундай таркибий ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг жахон хўжалигига интеграциялашувини чуқурлашувига, мамлакат иқтисодиётини юксалишига имкониятлар яратади.

1. Қўшма корхоналар тузиш хусусиятлари ва уларнинг фаолияти

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб

45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса муҳимдир.¹

Қўшма корхоналарни ташкил этиш ҳам маълум бир маънода мамлакат иқтисодиётига ўзининг сезиларли даражада ўз хиссасини қўшади. Хорижий инвестициялар оқимининг кириб келиши ва уларнинг негизида қўшма корхоналарнинг барпо этилиши ҳам сўнги пайтларда авж олмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мамлакатимиз бизнес амалиётида қўшма корхона номини олган. Улар мамлакатимиз ва хорижий шерикларнинг умумий (биргаликда) фойдаланишидаги капиталларни бирлаштириш асосида тузилади ва фаолият кўрсатади. Қўшма корхоналар билан бирга мамлакатда тўлалигича хорижий инвесторларга тегишли бўлган фирмалар, шунингдек чет эл фирмаларининг филиаллари ва вакил корхоналари ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Замонавий қўшма корхоналар ўз фаолияти, мулкчилик тузилиши, махсулот ўтказиш бозорларига чиқиш усулларига кўра жуда хилма-хилдир. Улар истеъмол моллари, ишлаб чиқариш ва сотиш, хизмат кўрсатиш, воситачилик, молиявий, суғурта, траст ва бошқа операциялар, шоу бизнес ва тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланадилар.

Қўшма корхоналар ўз махсулотларини сотишда ҳам ички, ҳам ташқи бозорга таяниши мумкин. Ички бозорга таянувчилар кўпчиликини ташкил қилади. Лекин ҳалқаро меҳнат тақсимотиغا, жаҳон бозор маданиятига қўшилиб кетишга уринаётган қўшма корхоналар қизиқиш уйғотади.

Эркин тадбиркорликни тушуниш учун корхонанинг махсулот сотиш ва башорати ва фаолият режаси (мохиятан бу маркетинг стратегияси деган гап) мазкур қўшма корхона чиқиб боришга ҳаракат қилаётган худуднинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олмай туриб

¹ 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. - Президент Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь. № 14 (5414)

тузилмаслигини англаб олиш лозим. Қимматли қоғозлар бозори, хом ашё бозори, меҳнат бозори, қўлланиладиган технологияларни таҳлил қилиш, нархларни кузатиб бориш ва башорат қилиш ҳам шулар жумласига киради.¹

Бозорни оператив бошқаришга (маркетинг тактикаси) келганда эса шуни айтиш мумкинки, тадбиркорликнинг кўплаб ҳуқуқий асосларини ва ушбу ҳудуддаги истеъмолчиларнинг психологиясини билмай туриб уни йўлга қўйишнинг иложи йўқ.

Қўшма корхона фаолиятида фақат мамлакат бозорини билишгагина асосланиб бўлмайди. Раҳбарлар ва мутахассислар қўшма корхона ўз маҳсулоти ва хизматлари билан кириб боришни мўлжаллаётган ҳудуднинг табиий-иқлимий, тарихий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа ҳаёт шароитлари билан ўрнатиладиган барча чеклашларни таҳлил қилиш ва миқдорий баҳолашлари лозим. Агар аниқланган чеклашларни муваффақиятли енгишга ва харажатларни қоплаш ҳамда фойда олишга имконият бўлса, у ҳолда ҳақиқий эркин тадбиркорлик ҳақида гапириш мумкин бўлади. Умуман олганда қўшма корхоналарда маркетинг ишларини ташкил қилиш ва унинг мазмуни бошқа хўжалик тузилмаларга қараганда кам фарқ қилади. Лекин ҳар бир конкрет йўналиш ҳар доим ўзига хосдир. Бу ерда ташқи бозорнинг хусусиятлари билан бирга, мамлакатимизнинг хорижий инвестициялар ҳақидаги қонунларида ўрнатилган ҳуқуқий муносабатларга хос жиҳатларни ҳисобга олиш лозим. Масалан, қўшма корхоналарга қўйидаги омиллар молиявий қулайликлар туғдиради: солиққа тортиш базасининг камайтирилиши; солиқларни тўғридан-тўғри камайтириш ёки ҳатто улардан озод қилиш; маълум бир вақт мобайнида солиқлардан озод қилиш ёки уларни тўлашни орқага суриш кўринишидаги солиқ каникуллари; қўшма корхоналар фаолиятига қулайлик туғдирувчи махсус ҳудудларнинг, эркин иқтисодий ҳудудларнинг очилиши ва ш.к.

Маркетинг дастурлари ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан қўшма корхоналарнинг энг муҳим имтиёзларидан бири ўз моддий ишлаб

¹ Гозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия»- 2009й, 241б.

чиқаришини таъминлаш мақсадида хориждан келтирилаётган мулкнинг божхона божлари ва солиқ тўлашдан озод этиш ҳисобланади. Улар томонидан олиб келинаётган технологик ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳам, шунингдек қўшма корхона экспорт қилаётган бир қатор тиббий дорилар ишлаб чиқиш ва биргаликдаги илмий ишлар ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ҳам қўшимча қиймат солиғига тортилмайди.

Ўзбекистон Республикасида “Чет эл инвестициялари” тўғрисидаги қонунга мувофиқ тўлалигича хорижий инвесторларга тегишли корхоналар ва устав маблағида хорижий инвестициялар 30%дан кўпроқни ташкил қилган корхоналар импорт божини тўламай туриб, устав маблағи сифатида киритиши учун мўлжалланган материаллари ва бутловчи маҳсулотлар олиб киришга ҳақлидирлар. Шунингдек улар башарти етказиб бериш тўғрисидаги битимлари 1993 йил 1 январга қадар тузилган бўлса, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотларга ҳам пошлина тўлашдан озод қилинадилар.¹

Санаб ўтилган ва бошқа бир қатор имтиёзлар қўшма корхоналар учун жуда кенг имкониятлар беради. Лекин мавжуд имкониятларни амалга ошириш учун яна қўшма корхона тузишда унинг фаолиятининг барча ташкилий-иқтисодий томонларини яхшилаб ўйлаб чиқиш, бозорни ўрганиш, унда ўз «замини»ни топа билиш, бошқача қилиб айтганда, маркетинг дастурини ишлаб чиқиш ҳақида қайғуриш керак.

Шундай қилиб, қўшма корхонада маркетинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишнинг муҳим хусусияти, бир томондан. Бозордаги шерик мамлакатнинг ҳуқуқий ва бошқа ҳаёт нормалари билан ўрнатиладиган турли чеклашларни ҳисобга олиш бўлса, иккинчи томондан, бозорни ташкил қилувчи эркинликнинг кенглиги даражасидир. Масалан, қўшма корхона энг қулай сиёсий шароитга эга, яъни нисбатан барқарор ҳуқумат, барқарор пул курсига эга мамлакатларнинг маҳсулот сотиш бозорида фаолият кўрсатишни маъқул кўриши мумкин. Шунингдек, қўшма корхона маркетинг хизмати кам

¹ А.Бекмурадов, Р.Тоиров, Э.Махмудов, М.Исаков, Ж.Тураев. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 5-қисм. Ташки иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. Т.: ТДИУ, 2005, 138б.

харажат қилган ҳолда бозорга у ёки бу даражада таъсир кўрсатувчи жўғрофий ва маданий-тарихий шароитлар ҳақида маълумотлар олиши мумкин. Бу қўшма корхоналарнинг ишончлироқ ва тезкор маълумот манбаларига эгаллиги билан изоҳланади.

2. Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари

Ҳар бир давлатдаги сармоявий иқлим, аввало сиёсий барқарорликка боғлиқдир. Худди мана шу нарса хорижий сармоядор учун ўз фаолиятини режалаштиришда ёрдам беради. Ўзбекистон Республикасида сармоявий иқлимнинг энг муҳим аҳамияти ҳам шундадир, чунки ҳозирги кунда бутун Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон сиёсий жиҳатдан барқарор бўлган давлат ҳисобланади. Мустақиллик йиллари давомида хорижий сармоядорлар билан ташкил этилган корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишда жуда катта ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда ташқи сиёсатга доир тамойилларимизни белгилаб берувчи конституциявий қоидаларга асосланган ҳолда, «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 ноябр 1996 йилдаги «Хорижий сармоядорлар билан биргаликда тузилган корхоналарга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2 июн 1997 йилдаги 336 - сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоядорлар билан биргаликда корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги қарори ташқи иқтисодий фаолиятни ва чет эллик сармоядорлар учун қулай шароитларни яратиш ҳамда хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, хорижий сармоядорларнинг республикамизга келишишини эркинлаштириш учун

Вазирлар Маҳкамасининг 21 ноябр 1996 йилдаги «Ўзбекистон Республикасига келадиган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатимизга келиши ва кетиши тартиби тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз сармоявий иқлимига ижобий томондан қарашга имкон беради.

Мамлакатимизнинг жаҳон цивилизациясига кенг кўамда интеграциялашуви, иқтисодийтимизга сармояларни олиб кирилиши учун ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилди. Ўзбекистонда “очиқ эшиклар” сиёсати олиб борилмоқда, хорижий сармоядорларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар ва кенг иқтисодий имкониятлар берилмоқда. Хорижий сармоялар учун энг қулай тартиблар яратилган ва улар муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Чет эл сармояси иштирокида ишлаб чиқариш корхоналари очиш жараёни мумкин қадар осонлаштирилган.

Республикада қабул қилинган қонунлар ва қонун асосидаги ҳужжатлар, чет эл фирмалари ва компаниялари Ўзбекистон бозорларида фаол иштирок этиш учун солиқ соҳасидаги имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларининг сиёсий ва тижорат соҳасидаги хавф-хатарлардан кафолатларнинг яхлит тизимини, қулай қонуний шароитларни яратиб берди.

Амалдаги қонунлар бўйича чет эллик сармоядорларга бериладиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар реквизиция ва миллийлаштирилмайди.

2. Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган фойдани ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловсиз чет эл валютасида чет элга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек, импорт буйича олиб киритилаётган хом ашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни ҳеч монеликсиз чет эл валютасига айирбошлаш таъминланади.

3. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулк олди-сотдисида эркин қатнашиши кафолатланади. Чет эллик сармоядорлар мулк

хуқуқларни, шу жумладан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига ҳамда турар жой бинолари ва улар жойлашган ер учун мулк хуқуқини, ер ва табиий манбаларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш хуқуқини қўлга киритишга ҳақлидир.

4. Чет эл сармоядорлари иштирокида ташкил этилган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ҳамда кўшма корхоналарнинг Низом фондига ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Амалдаги қонунлар чет эллик сармоядорлар учун кафолатлар билан бир қаторда солиқ соҳасида ҳам кенг имтиёзлар беради:

- Агар улар давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни инвестициялашда қатнашсалар, 7 йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинадилар. Чет эл сармоялари иштирокидаги ташкил этилган корхоналар даромадларининг ишлаб чиқаришини кенгайтиришга ва технология билан қайта жихозлашга сарфланадиган қисми ҳам солиқдан озод қилинади.

- Кўшма корхоналарнинг қайта молиялашга ҳамда сармояларни амалга ошириш учун олинган кредитларни тўлашга сарфланадиган маблағларига ҳам солиқ солинмайди.

- Чет эл сармояси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун фойдадан солиқ олишнинг табақалаштирилган ставкалари жорий этилган. Бу ставкалар хорижий инвесторнинг кўшма Низом фондидаги улуши қанчалигидан келиб чиқиб, улар учун солиқ ставкаларининг тегишлича камайтирилиши назарда тутилади.

- Низом фондида чет эл сармоясининг улуши 30% дан ортиқ бўлган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини, ҳалқ истеъмоли молларини ва қурилиш материаллари, тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга, иккиламчи хом ашё ва рўзғор чиқиндиларини қайта ишлашга ихтисослашган

қўшма корхоналар руйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 2 йил мобайнида фойдадан солиқ тўлашдан озод қилинади.

- Чет эллик шерикнинг ўз эҳтиёжлари учун республикамизга олиб кираётган мулк, чет эл сармоялари иштирокидаги корхоналарнинг низом сармоясига мулк билан қўшадиган хиссаси ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига умумий хажми 50 млн. АҚШ доллардан ортиқ миқдорда қилинадиган сармоялар ҳам бож тўлашдан озод қилинади.

1997 йил 1 январдан хорижий сармоялар билан ташкил этилган корхоналар учун бир нечта имтиёзлар қабул қилинди.

Низом фонди 150 000 АҚШ долларини ва хорижий сармоя корхонанинг 30 % капиталини ташкил этса 7 йил муддатга фойда солиғидан озод қилинади.

- Агарда хорижий сармоя 300000 АҚШ долларидан 1000000 АҚШ долларгача бўлса ва низом капиталининг 50% дан ошса солиқ ставкаси 20% га қисқаради.

- Агар сармоя 1 млн. АҚШ доллардан ошса ва 50 % низом фонди хорижий қатнашчи томонидан амалга оширилса, солиқ ставкаси 15% га пасаяди. Булардан ташқари, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар республиканинг ҳамма корхоналарига берилган имтиёзлардан ҳам фойдаланади.

Бундан ташқари чет эллик сармоядорларига ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистонда ихтисослаштирилган ташкилотлар ва муассасалар тармоғи ташкил этилган. Булар:

1. Чет эл сармоялари бўйича агентлик.
2. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси.
3. «Ўзбек-Инвест» Миллий экспорт-импорт суғурта компаниясидир.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий ҳамкорликнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ва сарфланган сармоясини химоя қилади.

Бундай шароитни хорижий сармоядорларни ўзлари гувоҳи бўлиб турибдилар. «Петр алекс» фирмасининг махсус вакили Давид Гаон ёзишича «Ўзбекистонда иқтисод ва сиёсат барқарор, хорижий сармоядорларининг ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланган. Бу ерда бизнинг манфаатларимизга ҳавф соладиган кучлар йўқ. Бундан ташқари бизга кенг миқёсдаги имтиёзлар берилган. Бу имтиёзлар сармоядорлар учун тез вақт ичида қилинган харажатларини қоплаш имконини беради. Умуман олганда, солиқ сиёсати бу мамлакатда шундайки, у ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳалақит қилмайди. Ўзбекистон давлати хорижий шериклари олдидаги ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажармоқда ва хорижий сармоядорларнинг розилигисиз шартнома шартларини ўзгартирмайди».¹

Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларига сармояларни жалб этиш ва уларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция каби дунёнинг бир қанча мамлакатлари билан битимлар имзолади.

Республикамиз ҳукумати томонидан кўрсатилаётган чоралар ташқи иқтисодий алоқаларни ва хорижий сармояларни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 4200 дан ортиқ кўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган, булардан 535 таси давлат корхоналари асосида ташкил этилган.

Республикамиз ҳукумати Канада, Хитой, Туркия, Голландия, Германия, Швеция банклари ва фирмалари билан республикамизнинг аниқ объектларини кредитлаш учун битимлар тузди, ҳозирда бу битимлар амалда бўлиб бир нечта йирик корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. Булардан: «реквизация «GM», «УзДЭУэлектроникс», «Самкочавто», «Узкейссервис», «УзБАТ», «Зариспарк», «Агама», «Кабул-Туйтепа-Текстейл», «Катикс», «Элтекс», «Супертекстил», «Кока-кола», «Либо», «Туфин» ва шу каби бир нечта корхоналардир.

Германия ва Корея давлатларининг фирмалари иштирокида кўпгина

¹ «Бозор, пул ва кредит» Журнали, 2012 йил, 1-сон, 496.

туман ва шаҳарлар телефон тармоқлари замонавий усулда янгиланди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўшма корхоналар тузишнинг ҳуқуқий масалаларига 1992 йилда асос солинган эди. Кўрсатилган меъёрий ҳужжатларда, иқтисодий интеграцияни янада ривожлантириш билан бирга, ҳозирги шароитда бўлган хўжалик фаолиятини бошқариш структурасини ривожлантириш ўз аксини топган. Бу келтирилган ҳужжатларга биноан қўшма корхоналар, қатнашчи — давлатларнинг ҳукуматлараро муносабатлари асосида, фақатгина манфаатдор вазирликлар ва ташкилотларнинг таклифи бўйича тузилиши мумкин. Иқтисодиёт механизмининг қайта қуриш, шу билан бирга хусусийлаштириш йўлидан бораётган корхоналар мустақиллигини ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқларини ривожлантириш, қўшма корхоналар ҳуқуқий режимини тартибга келтиришни ва уларга ўзгартириш киритишни талаб этмоқда.

Ўзбекистонлик ва хорижлик ташкилотлар ва фирмалар бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўшма корхоналар тузмоқдалар. Ҳукумат фармойиши ва қарорлари қўшма корхоналар тузиш ва уларнинг фаолияти масаласини тартибга солиш бўйича, яъни солиққа тортиш тартиби, фаолият кўрсатиш учун ер участкаларини бериш, корхона томонидан вужудга келтириладиган ресурслар ва бу корхоналар фаолияти жараёнида содир бўладиган бахсларни кўриш тартиби бўйича умумий тамойиллар ишлаб чиқди. Фармойишда кўрсатилган ҳуқуқий нормалар қўшма корхоналар иштирокчиларининг иккаласига ҳам бир ҳилда амал қилади. Шу билан бирга қўшма корхона ҳуқуқий нормаларининг энг аҳамиятли томонлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

1. Қўшма корхоналар, яъни хорижий шериклар билан тузилган корхоналар фаолияти тартибга солинган ва аниқ равшан ўрганилган;

2. Ҳукумат Қарорларида қўшма корхоналарнинг ташкилий — ҳуқуқий шакли масалалари чуқурроқ тартибга солинади. Қарорларда гап нафақат қўшма корхоналар тўғрисида, балки халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар тўғрисида ҳам боради;

3. Хорижий шериклар билан биргаликдаги қўшма корхоналар ҳам фуқаролик — ҳуқуқий характердаги шартномалар асосида, ҳам ҳукуматлараро ва давлатлараро муносабатлар асосида тузилиши мумкин.

Қўшма корхоналар тузишда ва фаолиятини тартибга солишда, вазирликлар, турли хил идораларнинг йўриқномалари, норматив актлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Буларнинг ичида энг муҳимлари қуйидагилардир:

▪ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Қўшма корхоналар мол-мулкларини суғурталаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномаси.

▪ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Қўшма корхоналарни солиққа тортиш тўғрисида»ги йўриқнома.

▪ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистонлик ва хорижий ташкилотлар, фирмалар ва бошқарув органлари билан биргаликда тузилган қўшма корхоналар, ҳалқаро ташкилотлар ва бирлашмаларнинг рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган ва фаолият кўрсатиб келаётган қўшма корхоналар билан боғланган масалаларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларни аниқланган ҳолда қуйидаги уч хил актни ажратиб кўрсатиш зарур:

1. Юридик шахслар сифатида тан олинган қўшма корхоналарга тарқатиладиган фуқаролик қонуниятлари акти.

2. Қўшма корхоналар фаолиятига тегишли бўлган махсус характердаги норматив актлари.

3. Умумфуқаролик ва махсус характердаги, ҳар бир корхонанинг ўрнини белгилаб берувчи, қатнашчилар томонидан тузиладиган низомлар ва қўшма корхона тузиш тўғрисидаги шартномалар.

Ҳукумат Қарорларига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузиладиган қўшма корхоналар Ўзбекистон юридик шахслари бўлиб ҳисобланади. Бу дегани — агарда қонун чиқарувчилар томонидан қўшма

корхоналарга алоҳида ҳуқуқ нормалари чиқарилмаган бўлса, қўшма корхоналарга юридик шахс сифатига, Ўзбекистондаги бошқа корхоналарга қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосан қўшма корхоналарни Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари системасида ўрнини аниқлаб, қуйидагига таяниш мумкин: яъни, юридик шахсларни: давлат, кооператив ва бошқа турдаги ташкилотларга классификациялаш асосида энг муҳим критерия сифатида — бу корхоналарни мол-мулк билан таъминланиши ётади.

3. Қўшма корхоналар фаолиятини ривожлантиришда солиқларнинг ўрни

Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда, янги иш ўринларини яратишда, давлат бюджетининг даромад қисмини солиқлар билан таъминлашда қўшма корхоналар муносиб ўрин эгаллайди. Шу сабабдан юртимизда хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни рағбатлантириш орқали қўшма корхоналарни барпо этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Республикада хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулқидан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция

маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланилди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етқазиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;
- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналарни ташкил этилиши натижасида миллий иқтисодиётидаги бир қатор иқтисодий ижтимоий муаммолар ўзининг ечимини топади. Жумладан,

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги илғор технологиялар билан жиҳозлаш асосида ишлаб чиқариш даражасини ошириш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг сифатини такомиллаштириш ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш;

- аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг касбий маҳоратларини ошириш ҳамда иқтисодий даромадларини кўпайтириш;

- экспорт ҳажмини ошириш натижасида валюта тушумларини кўпайтириш;

- энг асосийси эса бюджетга тўлайдиган солиқлар, ижара мажбуриятлари ва бошқа тўловлар ҳисобига бюджет даромадларини шакллантиришга эришилади.

2007 йилда хорижий инвестициялар иштирокида 700 дан ортиқ янги корхоналарнинг барпо этилганлиги ҳукуратимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир.

Бу борада сўз кетганда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: “Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваломбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш, бу охир – оқибатда республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир”¹.

Шу боисдан ҳам ватанимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Чунки ҳар бир инвестор ўз сармоясини бирор ҳудудга киритар экан уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги ҳамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир. Шу сабабдан солиқ имтиёзларини тўғри

¹ Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”. // Халқ сўзи, 2008 йил, 9 феврал.

йўналишларда тақдим этиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим, акс ҳолда эса имтиёзларни беришдан кўзланган мақсадларга эришилмасликка олиб келади.

Бу тадбирларни тўла қонли амалга ошириш учун эса хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга солиқ имтиёзларини жорий этишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ўйлаймиз:

- солиқ имтиёзларини самарали ишлашига акс таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;
- инвестицион фаолликни кўчайтириш мақсадида берилаётган барча имтиёзларни бир пайтда тақдим этиш;
- қўшма корхоналарни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни фаолиятини чеклаб қўйишни ва рақобат муҳитини бузилишини олдини олиш;
- қўшма корхоналар ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот таркибида маҳаллий хом ашё ресурсларидан фойдаланганлик даражасига қараб уларга солиқлардан маълум енгилликлар бериш;
- солиқ имтиёзларининг жорий этилиши бюджет даромадларига ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарар етқазмаслиги лозим.

Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан 1-йил – 25%, 2-йил – 50%, 3-йилдан 100%, қишлоқ ҳудудида 1-йил озод қилинади;
- мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;
- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30% ортиғи экспортга чиқса, 50%га даромад (фойда солиғи), 15-30% экспортга чиқарилса, 30% даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;
- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига

хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса:

- нефть ва газ казиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;
- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидандан ташқари барча солиқлардан озод;
- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Бундай дейишимизга сабаб, айнан қўшма корхоналарга берилаётган имтиёзлар эвазига давлат бюджетининг даромадлар қисми катта ҳажмдаги маблағдан қуруқ қолади. Бунда имтиёзлар эвазига корхоналар ихтиёрида қолган маблағлардан самарали фойдаланиш, қайта инвестиция қилиш ва фаолиятини ривожлантириш орқали келажакда бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилади. Шу сабабдан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ўз фаолиятини тугатиб, капиталини (фойдасини) мамлакатларига олиб чиқиб кетишлари учун имтиёздан фойдаланиш муддати тугаганидан кейинги фаолиятини юритиш муддати камида 3 ёки 5 йил қилиб белгиланиши, акс ҳолда эса солиқлар бўйича берилган барча имтиёзлар суммалари бюджетга ундирилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар

Солиқ қонунчилигининг талқин қилинишида солиқ тўловчининг ҳақлигини эътироф этувчи тамойилнинг киритилиши солиқ қонунчилигидаги ноаниқликлар, тушунмовчиликлар, қарама-қаршиликлар солиқ тўловчи фойдасига ҳал қилиниши кераклигини аниқлатади. Бу тамойил бир томондан, солиқ тўловчиларнинг қонунга бўлган ҳурматини оширади, иккинчи томондан, қонун яратувчи органларнинг солиқ қонунларини мукамал илмий асосла-ган ҳолда ишлаб чиқиш масъулиятини оширади. Бу нафақат қонун чиқарувчи органлар, балки, бундай қарорларни оптимал даражада қабул қилишдан манфаатдор органлар (солиқ ва божхона органлари) масъулиятини ҳам кескин оширади. Шунингдек, хўжалик судида кўриладиган ишларнинг енгиллаштиришига, муаммоларнинг оптимал, илмий ва адолатли ҳал қилинишига ҳам ёрдам беради.

Маълумки, республикаимиз Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-744-сон қарорида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат солиқ хизмати органлари олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилди. Ушбу йўналиш ва вазифаларнинг асосий маъзи эса, шубҳасиз, фуқароларни давлат томонидан кучли ижтимоий муҳофаза этишга қаратилгандир. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган ушбу қарорда солиқ юқини камайтиришга, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини янада оширишга, солиққа тортиш тизимини тобора такомиллаштириб ва соддалаштириб боришга эришишдек устувор вазифалар белгиланганки, буларнинг барчаси пировард натижада фуқароларнинг юқори даражада ижтимоий ҳимояланишини назарда тутди. Микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтирилганлиги бунинг яққол далилидир.

Солиқ тизимида рўй бераётган бундай ўзгаришлар эса солиқ тўловчилар кайфиятида ўз аксини топмай илож йўқ. Тадбиркорларимиз ўтаётган ҳар йилнинг сўнгги – декабрь ойини ўзига хос интиқлик билан кутиб олишга ўрганиб қолганлар. Чунки бу ойда давлатимиз раҳбари келаётган йил учун мамлакат иқтисодиёти асосий йўналишлари тўғрисидаги муҳим қарорга имзо чекади. Ва албатта бу қарорда давлат солиқ тизими олдида турган устувор йўналишлар белгиланиб, навбатдаги босқичда солиқ юкини тобора пасайтириш масаласи ўз аксини топган бўлади.

Шунга қарамасдан, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар етарлича. Хусусан, маҳаллий тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришдаги салоҳиятини ошириш, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда кўплаб қўшма корхоналарни очиш сингари вазифалар устувор бўлиб турибди.

Мамлакатда экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришда мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги, яқин қўшни мамлакатлар иқтисодиёти билан интеграциялашувини таъминлашга, ягона божхона иттифоқларини яратишга қаратилиши лозим.

Жаҳон иқтисодиётида ривожланган интеграция муҳити яратилган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг деярли тенг даражада ривожланишини таъминланиши ушбу хулоса учун асос бўлиб хизмат қилади.

Амалдаги божхона тўловлари ставкаларини ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига тақдим этилган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига кенг имкониятлар яратиб бериш, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ташқи иқтисодий фаолиятдан манфаатдорлигини ошириш учун самарасиз имтиёзларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ.